



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИСТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ,
ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА
РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН
ҚИСКАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, ортиқча бюрократик говларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобида республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилига бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроги солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқдалар. Сўнгги йилнинг ўзидагина 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Шу билан бирга статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг мавжуд тизими катта бўлиб, тубдан соддалаштиришни ва ислоҳ қилишни талаб этади. Кўп миқдордаги лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари иқтисодий янада либераллаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатга ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайди, кўпинча давлат йўли билан тартибга солишнинг бошқа воситаларини такрорлайди.

Бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2012 йил 17 апрелдаги Р-3829-сон фармойиши билан ташкил қилинган ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш юзасидан тақдирлар тайёрлаш

бўйича Ишчи гуруҳининг қуйидаги тақлифига розилик берилсин:

1, 2 ва 2а, 3 ва 3а, 4 ва 4а иловаларга мувофиқ давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштириш эъзига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш тўғрисида;

2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 5-иловага мувофиқ рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилни (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни 6 ва 6а иловаларига мувофиқ бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобида бекор қилиш тўғрисида.

2. Белгилансинки, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

7-иловага мувофиқ рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган, деб ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2013 йил 1 январдан бошлаб:

барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади, қўшимча фойда солиғи бундан мустасно;

микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича таълиқлар ўрганишлар ўтказилади.

4. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига оғишмай рўйхат этилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида лицензиялар ҳамда рух-

сатнома характеридаги ҳужжатлар бериш бўйича ваколатли органларнинг раҳбарлари қаттиқ оғохлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз рўйхат этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатсинлар ҳамда бюрократик говларни бартараф этиш ва ўрнатилган қонунчилик бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорларини танқидий қайта кўриб чиқсан ҳамда уларнинг камида икки баробар арзонлаштирилиши бўйича қарорлар қабул қилсин;

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда интернет тармоғида ягона веб-сайт яратиб, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб турадиган маълумотларни жойлаштирсинлар.

(Давоми 2-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ 16 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА
ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ
ЖАН-ИВ ЛЕ ДРИАННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг конструктив ҳамкорлик борасидаги таърибасини алоҳида таъкидлади ва Франция раҳбарияти билан қарор топган самарали мулоқотдан мамнулик изҳор этди.

Ўзбекистонда Франция билан турли соҳаларда ўрнатилган ўзаро алоқалар юксак қадрланади, мазкур мамлакатга Европа қитъасидаги узоқ муддатли ва муҳим ҳамкорлик сифатида қаралади.

Ўзбекистон ва Франциянинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги позиция ва ёндашувлари яқин ҳамда ўхшашлиги, фаол

парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг кенг имкониятлари ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Франция мудофаа вазири Ле Дриан Президент Ислмо Каримовга самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этди. Франция

ўзаро ҳамкорлигининг барча соҳаларини ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Франция ҳукумати аъзоси Афғонистондаги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистоннинг ушбу кўп йиллик можарони ҳал қилишдаги принципал позициясига ва мамлакатимизнинг мазкур қўшни давлатни тинчлик йўли билан тиклаш борасидаги ишларга қўшаётган салмоқли ҳиссасига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А

МЕН МУСТАҚИЛЛИК ФАР-
ЗАНДИМАН. БОЛАЛИГИМДАН
ТАБИАТГА МЕХР ҚЎЙДИМ.
2006 ЙИЛДА «ҚИШКИ ЭКО-
ЛОГИЯ МАКТАБИ» РЕСПУБ-
ЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИДА
ЭКОЛОГИК КЛУБ ТАШКИЛ
ЭТИШ НОМИНАЦИЯСИ БЎ-
ЙИЧА ҒОЛИБ БЎЛДИМ. БУ
МЕН ҚЎЛГА КИРИТГАН ИЛК
ЮТУҚ ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН
ҲАМ ЖУДА ҚАДРЛИ.



СОҒЛОМ ТАБИАТ, СОҒЛОМ ОДАМЛАР

2009 йилда халқаро «Атроф-муҳит муҳофазаси» лойиҳасида иштирок этдим. Бундан ташқари, Ўрта Осиё дарёларининг экологик ҳолатини ўрганиш мақсадида ташкил этилган халқаро экспедицияда ҳам қатнашдим.

«Қашқадарё дарёсининг экологик ҳолати ва унга таъсир этувчи манбалар, унинг атрофида тарқалган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси» мавзусида илмий кузатиш олиб бордим. «Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси» номи китобим нашрдан чиқди.

Икки йил давомида Республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида биология фанидан фахрли 1-ўринни эгалладим. Бундан ташқари, бир неча услубий қўлланмаларим чоп этилди.

Шу кунгача республика ва вилоят матбуотида ва илмий тўпламларда экология муаммоларига бағишланган 20 дан ортиқ мақолаларим эълон қилинди.

2010 йилда фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлдим ва Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультетида имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Ҳозирда экологик масалаларга бағишланган иккинчи китобимни чиқариш арафасидаман. Бу муаммо, айниқса, бизнинг минтақамизда долзарб ҳисобланади.

Ўрта Осиёдаги экологик вази-

ятни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш учун фақат Ўзбекистон курашмоқда. Ён-атрофимиздаги баъзи бир давлатлар эса аксинча экологик аҳволи янада мураккаблаштирмоқда.

Лекин барибир тўғрилиқ, ҳақиқат ғолиб чиқишига ишонаман. Бунинг учун биз ёшлар бир ёқадан бош чиқариб табиатга қилинаётган таҳдидларнинг олдини олайлик. Чунки табиат қонуниятларига ўзгартириш киритиш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмаган. Она Ватанимизни, Она табиатни кўз қорачигидек асрайлик. Соғлом табиат, соғлом одамлар тамойилига амал қилайлик.

Айизо АЛМАНОВА,

Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати,
Тошкент тиббиёт академияси талабаси.

Фракция фаолияти



ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА

партия дастурий мақсадлари акс этади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ, ТЕГИШИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. ЙИГИЛИШДА БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.



Муродбек ЗИЁЕ олган суратлар.

Дастлаб «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 17 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Евро	2323,56	
1 АҚШ доллари	1896,57	
1 Россия рубли	58,07	
1 Австралия доллари	1937,92	
1 Англия фунт стерлинги	2953,34	

1 Дания кронаси	312,10	
1 БАА дирҳами	516,37	
1 Миср фунти	312,84	
1 Испания кронаси	14,77	
1 Канада доллари	1869,65	

1 Хитой юани	297,48	
1 Украина гривнаси	237,28	
1 Малайзия ринггити	597,34	
1 Польша злотийси	554,47	
1 СДР	2845,35	

1 Туркия лираси	1048,06	
1 Швейцария франки	1933,50	
10 Жанубий Корея вони	16,53	
10 Япония иенаси	239,83	

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бугунги сонда

● ЯНА БИР БОР
РОҒУН ГЭСИ
ҚУРИЛИШИ
ҲАҚИДА

3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ,
ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ
БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри ва республика минтакаларида маълумотларни электрон тарзда йиғиш ва ишлов бериш имкониятларидан фойдаланган ҳолда статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни янада қис-

қартириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар тушунтириб бериладиган семинарларни ўтказсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сақлаб

қолинаётган ҳисобот турларининг таркиби ва мазмунини илғор хорижий тажриба ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсинлар, шунингдек, ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комп-

лекслари бир ой муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатига ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгартишларни белгиланган тартибда киритсинлар.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 июль

Фракция фаолияти

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА

партия дастурий мақсадлари акс этади

Унга кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда ара-лашиш ёки бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавкеидан фойдаланган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти-ни қасддан текшириш та-шаббуси билан чиқиш ва текширишлар ўтказиш, бу субъектларнинг банклардаги ҳисоб-варақалари бўйича опера-цияларини тўхтатиб туриш, шу-нингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахслар томонидан ҳў-жалик юритувчи субъектлар-нинг ҳисобварақаларида пул маблаглари мавжудлиги ҳа-қида ахборот тақдим этишни талаб қилиш каби ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин содир этилган ҳолатлар учун тегиш-ли чоралар кўрилиши бўйича аниқ тақлифлар келтирилган.

Абдулманоно РАҲИМОВ,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Мазкур қонун лойиҳаси ҳу-сусий мулк устуворлиги ва тад-биркорликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ис-лохотларни босқичма-босқич амалга оширишда мустаҳкам

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳуқуқий асос яратиш мақсади-да ишлаб чиқилган.
Жиноят кодексига аввал тақ-лиф этилган «Ҳўжалик юритув-чи субъектларнинг фаолияти-га ноқонуний ара-лашиш» деб номланган моддани «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фа-олиятига қонунга ҳилоф равиш-да ара-лашиш» деган ном би-лан бериш, шунингдек, Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг амалдаги таҳрири-даги айрим таркибларни аж-ратиб олган ҳолда, ушбу ко-дексни «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда ара-лашиш» деган модда билан тўлдириш зарур деган ҳулоса-га келинди.

Бу билан «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда ара-лашган» мансабдор шахсни ав-вал маъмурий жазога, шундан кейин ҳам бундай ҳолат қайта тақорланса, жинсий жазога тортиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят кодексига кирити-лаётган «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда ара-лашиш» деган модда «Ўша ҳаракатлар кўп миқдорда за-рар етказган ҳолда, тақроран

ёки хавфли рецидивист, бир гуруҳ шахслар томонидан ол-диндан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баробари-дан беш юз баробаригача миқ-дорда жарима ёки муайян ҳу-ққудан маҳрум қилиб, уч йил-гача озодликдан маҳрум қилиш бўлган ҳазоланади, шунингдек, ўша ҳаракатлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўл-са, энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баробаридан олти юз баробаригача жарима ёки му-айян ҳуққудан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳ-рум қилиш билан жазоланади» деган жумлалар билан тўлди-рилмоқда.

Қун тартибидаги «Риэлтор-лик фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республика-си Қонуни қабул қилинган-лиги муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа ор-ганлар ҳужжатларини иж-ро этиш тўғрисида»ги Ўзбе-кистон Республикаси Қону-нига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳат-

ланган мол-мулкни, шу жумла-дан, ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўчмас мулкни узок муддатли ижарага олиш, ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқлар, шу-нингдек, хатланган автотран-спорт воситаларини реализа-ция қилиш жараёнларини ҳу-қуқий тартибга солиш мақса-дида ишлаб чиқилган.

Мастура САЙФИТДИНОВА,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— «Суд ҳужжатлари ва бош-қа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги Қо-нуннинг айрим моддаларига хатланган кўчмас мулкларни риэлторлик ташкилотлари то-монидан, хатланган автомо-тотранспорт воситалари, ин-теллектуал фаолият натижа-ларига ва шахсийлаштириш воситаларига бўлган мулкий ҳуқуқларни реализация қилиш эса савдонини ташкил этишни амалга оширувчи тегишли ик-тисослаштирилган ташкилот-лар томонидан реализация қи-линишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш тақлиф этилмоқда.

Бундан ташқари, муҳокама-лар чоғида қабул қилинган тақ-лифлар асосида қонун лойи-ҳасининг айрим моддаларига таҳририй ҳамда техник туза-

тишлар киритилди.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги Кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги, «Рақобат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонуни қабул қили-ниши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўз-гартиш ва қўшимчалар кири-тиш ҳақида»-ги қонунлар лойи-ҳалари, «Ўзбекистон Респу-бликасининг Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги Кодек-сига ҳамда Ўзбекистон Респу-бликасининг Солиқ Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-тиш ҳақида»-ги, «Хусусий мулк-ни ҳимоя қилиш ва мулкдор-лар ҳуқуқларининг кафолат-лари тўғрисида»-ги, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қў-шимчалар киритиш тўғриси-да»-ги қонунлар лойиҳалари му-ҳокама қилинди.

Муҳокамалар чоғида ЎзХДП фракцияси аъзолари ўз тақ-лифларини билдиришди ва фракция позицияси ишлаб чи-қилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро баҳс

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ БЎЛГАН

«адолат»чиларга хос «амалий ҳаракат» ҳақида

ЎзХДПнинг АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ИШ БИЛАН БАНД БўЛИШИГА КўМАКЛА-ШИШ, БУ МУҲИМ МАСАЛАГА ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИ-БОРИНИ ҚАРАТИШ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИНИ КўПЧИЛИК ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА. БИРОҚ «АДОЛАТ»-ЧИЛАР ПАРТИЯМИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ЎРНИГА, УЛАРНИ ЙЎҚҚА ЧИ-ҚАРИШГА ЗўР БЕРИБ УРИНМОҚДА.

Шу ўринда «Адолат» социал-демок-ратик партияси вакиллари ўзларига «Айнан шу масалада қандай амалий иш қиляпмиз?», деган саволни бе-ришса ва унга ҳўяий жавоб қайта-ришса мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, ишсизликка қарши курашиш со-циал-демократларнинг энг асосий ва-зифасига киради-ку!

Яқинда «Адолат» партиясининг ин-тернет сайтида «Тикувчиликдан тад-биркорлик сари...» сарлавҳали мақо-ла эълон қилинди. Унда «Адолат» СДП Оқдарё туман Кенгаши ҳамда шу ту-мандаги 35-мактаб қошида ташкил этилган БПТ (?) ташаббуси билан «**Ти-кувчилик билан шуғулланувчи хо-**

тин-қизларни тадбиркорлик фао-лиятига жалб қилиш» мавзусига ба-ғишланган давра сўхбати ўтказилган-ни ҳақида хабар берилган.

Мақолани ўқиш давомида кишида ёлғончи таассурот пайдо бўлади. Гўё-ки «адолат»чилар ишламоқда. Жум-ладан, улар маҳаллаларда яшовчи хо-тин-қизларни тадбиркорлик фаоли-ятига жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш... орқали маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантириш ҳақида бонг урмоқда. Бироқ гап ай-нан қайси «амалий ҳаракат» ҳақида бораётгани тўғрисида лом-мим де-йилмайдди.

Бундан ташқари, мақолада қайд эти-

лишича, Ўзбекистон «Адолат» СДП Оқдарё туман Кенгаши Аёллар қано-ти раиси Н.Нурматова тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун нодав-лат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, грант соҳиби бўлган. Шу ўринда бир йўлаб қўйиш, тадбиркор аёл грант ютиб олган бўлса бунинг «адолат»чи-ларга нима дахли бор?

Нахотки «адолат»чилар бировлар-нинг ишини ўзиники қилиб кўрсатиш-дай бемаъни одатдан ҳамон воз ке-чолмаган бўлсалар?!

Мақоламиз аввалида ЎзХДПнинг амалий ишлари ҳақида гапирган эдик. Фикримизни қуйидаги факт ҳам тас-диқлайди. Яқинда булунғурлик Дил-фуза Асатуллаева бизга қуйидагилар-ни гапириб берди:

— Ёшлигимдан тикувчиликка қизи-қаман. Шу боис цех очишни кўнглим-га тугиб қўйгандим. ХДП менга ўша-ганларга ердан бераётганини эшитиб, партия фаолларига мурожаат қилдим. Шу йил ЎзХДП томонидан туманимиз-да ташкил этилган иқтисодий форум-да 3 миллион сўм имтиёзлий кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим...

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ЎзХДП ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган лойиҳалар бугун



Ўзини кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилиши-ни таъминлашга қодир куч, деб биладиган «адолат»чилар эса қу-руқ гапдан нарига ўтишолмаяпти. Аслида кимнидир ҳолис-ноҳолис тафтиш қилиш осон. Лекин ўзинг нима қиляпсан деган саволга жавоб топиш қийин. Бизнинг бу ҳақли сўроғимиз олдида «адолат»-чиларнинг сукут сақлашдан ўзга чоралари йўқ.

Муносабат



ЕРГА ҚАНЧА
МЕҲР БЕРСАНГ

ҳосил ҳам шунча мўл бўлади

■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛА-КОРЛАРИГА ЙўЛЛАГАН САМИМИЙ ТАБРИГИ, УНДАГИ ДИП СўЗЛАРИНИ БУТУН ОИЛАМИЗ КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҲАЯЖОН БИЛАН ТИНГЛАДИК.

Айниқса, Давлатимиз раҳба-ри бизнинг фермер ҳўжалиги-мизда бу йил ўртача ҳосилдор-лик 85 центнерга етгани, бу — дехқончилигимиз тарихида ил-гари мутлақо учрамаган юксак кўрсаткич эканини алоҳида эъти-роф этгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Тўғриси, ўша лаҳза-лардаги ҳаяжонимни сўз билан ифода этиб бўлмайди. Яқин-ларим, дўст-биродарларим, фарзандларим, набираларим қувончини айтмайсизми...

2007 йилдан буён фермер ҳў-жалигини бошқараман. Ҳар доим бошқалардан қолишмасликка интиламан. Ер халқни боқадди. Унга қанча меҳр берса, шунча ҳиммат кўрсатади. Албатта, бу йилги ҳосил унумдорлигига ҳам ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ер-нинг мелиоратив ҳолати фақат минерал ўғитларга боглиқ эмас. Бу муваффақият замирида 30 нафар ишчининг пешона тери, заҳматли меҳнати ётибди.

Бу рағбат бизни янада руҳ-лантириш билан бирга, зимма-

мизга катта масъулият ҳам юк-райди. Энди ерга бундан ҳам яхшироқ ишлов беришга, кўпроқ меҳнат қилишга ҳара-кат қиламиз. Ишчиларим би-лан пахта ҳосилида ҳам шун-дай ютуққа эришишни мақсад қилганмиз.

Мен 1991 йилдан ЎзХДП аъзо-симан. Шу вақтдан буён партия-нинг дастурий мақсадларини амалга оширишга ҳисса қўшиб келаяпман. Фермер ҳўжалиги-миздаги ишчиларимизнинг ак-сарияти ёшлар. Уларни иш би-лан таъминлаш, ижтимоий ҳи-мояга муҳтож кишиларга кўмак-лашиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари доимо этиборимизда. Шундай экан, бугун бажараётган ҳар бир ама-лий ишшимизда партиямиз го-ялари ўз аксини топаётти, деб айта оламан.

Мавлуда ИСМОИЛОВА,
ЎзХДП фаоли,
Денов туманидаги
«Мавлуда Исмоилова»
фермер ҳўжалиги раҳбари.

ЮКСАК
ЭЪТИБОР

кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади

■ МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ҒАЛЛАКОР-ЛАРГА ЙўЛЛАГАН ТАБРИГИНИ ЗўР ҲАЯЖОН БИ-ЛАН ЎҚИДИМ. УНДА ҒАЛЛАДАН МўЛ ҲОСИЛ ЕТИШ-ТИРГАН ТУМАНЛАР ҚАТОРИДА МЕН МЕҲНАТ ҚИ-ЛАЁТГАН ДўСТЛИК ТУМАНЕНИНГ ҲАМ ТИЛГА ОЛИНГАНИДАН ЖУДА ХУРСАНД БўЛДИМ.

Кўп йиллардан бери дехқон-чилик қиламан. Фермер бўлга-нимга ҳам ўн йилдан ошди. Бу даврда иқтисодий билимларим-ни бойитдим, агротехникани кунт билан ўргандим, богдор-чилик, чорвачилик ҳадисини ол-дим. Бугунги кунда 240 гектар ерда дехқончилик билан шуғул-ланаяпмиз, чорва, балиқ, аса-ларчилик ҳўжалиқларимиз ҳам бор. Уларда жами 76 нафар қишлоқдошларим доимий иш билан банд.

Жорий йилда кўкламнинг сер-ёғин келишига қарамасдан 80 гектарлик ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил олишга эришдик. Шарт-нома мажбурияти ошиғи билан кўпроқ ғалла ўзимизда қолди. Бу, энг аввало, меҳнатимиздан катта манфаат кўраётганимиз-

ни англатади. Қолаверса, бу даромад партиямиз дастурий мақсадларига мос равишда эҳтиёжманд оиаларни ижтимо-ий ҳимоялашга йўналтириш им-конини беради. Ўзамизнинг ҳам ривожини яхши. Насиб этса, пахта хирмони ҳам баракали бўлади.

Президентимиз ўз табриғида бизнинг меҳнатимизга юксак баҳо берди. Бундай юксак эъти-бор кучимизга куч, ғайратимиз-га ғайрат қўшди. Айни пайтда, зиммамизга жуда катта масъу-лият юклайди. Бундан буён ҳам эътирофга яраша меҳнат қили-шимиз зарур.

Муртоз БўТАЕВ,
Дўстлик туманидаги
«Эшнйёз бобо» фермер
ҳўжалиги раҳбари,
«Меҳнат шўхрати» ордени
соҳиби, ЎзХДП аъзоси.



Ўза суратлари.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

СЎНГГИ БИР НЕЧА ЙИЛ ДАВОМИДА КЕНГ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК, НУФУЗЛИ ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, КЎПЧИЛИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ТАДҚИҚОТЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛНАДИГАН ИЛМҲЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИ ТОЖИКИСТОННИНГ АМУДАРЭНИНГ ЮҚОРИ ҚИСМИДА ҚУВВАТИ 3600 МВТГА ТЕНГ РОҒУН ГЭСИ ИНШООТЛАРИ КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИНИ ҚАЙТА ЖОНЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАЙ-САРОНА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ МУҲОКАМАСИГА ҚАРА-ТИЛМОҚДА.

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг кўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳаниннг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларининг ҳақиқи эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Роғун ГЭСи қурилишининг ҳар жиҳатдан хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мутлақо мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қоидалари бўйича 35-40 йил муқаддам, совет даврига хос гигантоманияга интилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиҳа ечимларининг бугунги талабларга мутлақо жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Буни нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Сўнгги ўн йилда йирик ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги «Уч дара», Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар) тўқнаш келган кенг кўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхтатиш ва, ҳаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммолари масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламига (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (филтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақрорланиб турадиган хавфли силжиллари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидаги вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам буни тасдиқлайди.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли қўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотни бир неча

марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллли ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш тақил этилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Ҳисор-Қоқшол минтақавий ёриги тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидаги нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам тақрорланиб туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силкинishiни эсга олайлик. Ушанда 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллиард куб метр сув сифмига эга Сарез кўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаоллик даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига қўра, Роғун ГЭСи қурилаётган майдон жойлашган Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида бугунги кунда ҳафтасига саккиз мартагача зилзила қайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда қучли, ҳар 10-15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бермоқда. Қўллаб экспертлар маълумотларни таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида қучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини тахмин қилмоқда. Буни, шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда, бундай катта дамбани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни кўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув омборида 14 миллиард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳосил қиладди. Бу эса, шубҳасиз, минтақаниннг сейсмик жиҳатдан заифлигини оширади ва шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар тақрорланиши янада кучаяди.

Зилзила ёки техноген омиллар натижасида бундай тўғоннинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Олимлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўпланган 14 куб километр сув ҳосил қиладиган қучли динамик босим катта (соатига қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қуйига 100 метр баландликдаги шиддатли тўққиннинг, таъбир жоиз бўлса, «ясама цунами»нинг юзасига келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғо-

ни, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроузеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Қўргонтепа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўққин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларни супуриб кетади ва сувга гарқ қиладди, мислсиз фожиали оқибатларни юзасига келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Учинчидан, Роғун ГЭСи лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари атроф-муҳити ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларига узоқ йиллар ўнглаб бўлмай-диган даражада катта хавф солади.

Катта гидроиншоот қурилиши минтақадаги заиф экологик мувозанатга путур етказади, сув хўжалиги ва экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатади. 14 куб километр ҳажмидаги сув резервуарини ҳосил қилиш камида 8-10 йил давомида Вахш дарёси оқимини кескин келашини талаб қиладди. Бу эса минтақада сув оқимидан кўп йиллар самарали фойдаланиш ва уни боқариш жараёнини бутунлай издан чиқариб, ҳатто, шусиз ҳам танқислиги ортиб бораётган сув ресурсларининг ҳалокатли даражада қамайиб кетишига олиб келади.

Станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация мавсумида сув ҳажми кескин қамаяди, қуз-қиш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошади. Бу Амударё қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин қамайишига, қучли қурғоқчиликка, шунингдек, қишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида узанлардаги йўқотишлар ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув тақчил мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё қуйи қисмидаги қўллар ва ветландларнинг қуриш жараёни бир неча марта тезлашди, янги шўрроқ ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилаётган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё миқёсидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Туркменистон ишлаб чиқаришининг иқтисодий асоси бузилади ҳамда ушбу мамлакатларнинг Амударё қуйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқади, одамлар қурғоқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, алаҳ оқибат бошқа жойларга қўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплашни ҳеч қим зиммасига олмоқчи эмас. Урнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбуран қўчиши билан боғлиқ қўллаб қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада ижти-

моий беқарорлик кескинлашади.

Мазкур лойиҳаниннг амалга оширилиши оқибатида юзасига келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул, қолаверса, миллионлаб одамлар чекадиган азоб-уқубат ва бахтсизлик кўламини қайси валюта ва қандай рақамлар билан ўлчаб бўлади? Турган гапки, бундай тўғоннинг қурилиш нафақат техник стандартлар ва иқтисодий мантиққа, балки соғлом ақлга ҳам зиддир.

Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзасига келадиган айнан мана шу таҳдидлар халқаро жамоатчиликини, БМТ, Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссия, Бутунжаҳон сув кенгаши, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи каби кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, Европарламент, АҚШ, Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламентлари аъзолари, Япония, АҚШ, Голландия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Сўнгги бир неча йил мобайнида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқаро илмий-амалий форумлар ва конференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммоларнинг кенг кўламда муҳокама этилиши натижасида халқаро ҳамжамиятда ушбу лойиҳаниннг чуқур, синчковлик билан ҳолис мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида принципал позиция шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжатларда амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинишдан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудда жойлашган барча томонлар манфаатларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1997 йилда қучга кирган Трансчегаравий нуктаи назардан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги конвенцияда бундай объектлар қурилишининг экологик оқибатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва манфаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирини ҳар тарафлама баҳолаш кўзда тутилган.

Жаҳон банкни ушбу халқаро ташкилотлар ва тузилмалар фикрларини эътиборга олиб ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажратди. Европаниннг Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларидан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспертизани 2013 йилнинг биринчи чорагида якунлаши кутилмоқда.

Ўз навбатида, **Тожикистон ҳуку-**

мати 2010 йилда мазкур лойиҳа амалга оширилиши оқибатларини мустақил техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий-экологик баҳолаш ишлари якунланмагунча ГЭС ҳудудда қурилиш ишларини олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Айни пайтда, Тожикистон Халқаро валюта жамғармасынинг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун мамлакат аҳолисида мажбурий равишда пул йиғиш кампаниясини тўхтатиш талабини қабул қилган.

Бироқ, минг афсуски, бугунги кунда **Тожикистон томони** Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, **Роғун ГЭСида қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишувларни ўзбошимчалик билан қўпол равишда бузиб, «хавойи гоя»ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини** таъкидлашга тўғри келади.

Қўллаб фактлар Тожикистон халқаро ҳамжамиятдан пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудда ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган кенг кўламли қурилиш ишларини ёпиқ режимида давом эттираётганидан далолат беради. **Айни пайтда станция майдонида, сув ташлайдиган туннеллар қурилишида, машина зали, карьерлар ва станциянинг бошқа объектларида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бормоқда.**

Шу билан бир қаторда, Тожикистон ҳукумат тузилмалари томонидан Роғун ГЭСи иншоотларини лойиҳалаштириш ишларига хорижий (Россия, Украина ва бошқа мамлакатлардан) пудрат ташкилотлари фаол жалб этилмоқда. Бир пайтнинг ўзида Тожикистон томони станциянинг биринчи навбатини ишга тушириш учун зарур бўладиган усуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. **Жумладан, биринчи энергия блоки учун сотиб олинган, тайёрланган усуналар аллақачон станция майдонида келтириб қўйилган, иккинчи энергия блокнинг усуналарини тайёрлаш якунланмоқда ва уларни келтириш чоралари кўрилмоқда.**

Кейинги бир неча йил давомида Тожикистон катта миқдорда бюджет маблағларини ахратиш (ҳар йили 200 миллион доллардан зиёд) билан бир қаторда, Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятларини бузиб, аксарият Тожикистон фуқароларининг молиявий аҳоли оғирлигига қарамай, сўнгги пайтда Роғун ГЭСи акцияларини аҳолига мажбурлаб сотиш ишларини яна фаоллаштириди.

Ушбу барча хатти-ҳаракатлар яқинда «Ким Роғун лойиҳасига қарши бўлса — тожик халқининг душманидир» деб баёнот берган Тожикистон раҳбариятининг қучли тазйиқи остида амалга оширилимоқда.

Табиий савол туғилади: Тожикистон Роғун ГЭСи комплексини қуриш борасида амалга ошираётган бундай ҳаракатлардан қандай мақсадни қўзғаяпти, нима учун қўллаб ҳақли эътирозларни назар-писанд қилмай, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузган ҳолда, станциянинг биринчи навбати қурилишини шоши-

линч якунлашга уринмоқда?

Жавоб аниқ — Тожикистон раҳбариятининг бундан кўзлаган мақсади станциянинг биринчи навбати қурилишини якунлаш ва шу тариқа Жаҳон банки ҳамда бутун халқаро ҳамжамиятини иложсиз аҳволда қолдириб, экспертлар ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар кескин қарши қийаётган мазкур лойиҳани «қонунийлаштириш»дан иборатдир.

Ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш, чалғитиш, амалга оширилаётган ишларни жаҳон жамоатчилигидан бекитиш йўли билан Тожикистон томони вақтдан ютишга ва бошланган ишларни гўёки якунига етказиш орқали халқаро экспертларни Роғун ГЭСи қурилиши билан ноилоҳлиқдан муроса қилишга мажбурламоқчи.

Шу билан бир пайтда Тожикистон томони ўз назорати остидаги оммавий ахборот воситалари ва «ёлланма экспертлар» ёрдамида мамлакат аҳолисини Роғун ГЭСи қурилишининг муқобили йўқлигига ишонтариш мақсадида реал фактлар, халқаро экспертларнинг қўллаб далил-исботларини бутунлай бузиб кўрсатиб, рақамлардан ўз ҳийла-найранглариини асослашда фойдаланган ҳолда маъсулиятсизлик билан ташвиқот олиб боришга уринмоқда.

Улар бу билан ушбу лойиҳа келтириб чиқарадиган ҳалокатли таҳдид ва хавф-хатарлар билан ҳисоблашмай, ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий аҳолини бузиб кўрсатиб, мумкин ва мумкин бўлмаган барча воситаларни ишга солган ҳолда Роғун ГЭСини қуришга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик халқаро экспертлар ва Тожикистонга қўшни — Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар Тожикистонни ҳам маблағ сарфлаган ҳолда, қисқа муддат ичида электр энергияси билан ишончли таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган, Тожикистон учун ҳам, унга қўшни давлатлар учун ҳам техноген, экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳусусиятга эга катта хавфларни келтириб чиқармайдиган оқилона, муқобил йўлни — қатор кичик ГЭСлар қуриш тақлифини билдирмоқда. Зеро, ушбу муқобил вариантни қўриб чиқиш Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин. **Биринчидан.** Тожикистон томони халқаро экспертлар ва мутахассисларнинг қўллаб оғохлантиришлари ҳамда тавсияларига беписандлик билан қараб, Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган халқаро экспертиза якунига етмай туриб, барча қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳолда Роғун ГЭСи қурилишини давом эттираётгани билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Иккинчидан. Бугунги кунда Тожикистон томони халқаро жамоатчилик ҳамда Амударё оқимининг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлардан пинҳона амалга ошираётган сиёсат — Роғун ГЭСи комплекси қурилишининг давом эттирилиши олдиндан айтиб ва кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Табиийки, буни инобатга олмаслик мумкин эмас.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти чорва озуқа бўз бирлашмаси

Тошкент вилояти ҳудудларига омихта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини марказлашган ҳолда етказиб бериш бўйича автотранспорт корхоналари ўртасида

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендернинг асосий шартларидан бири — ташиладиган омихта ем, шрот ва шелуханиннг масофасидан қатъи назар вилоят бўйича ҳар бир тонна учун сарфланадиган транспорт харажати бир хил бўлишligинни таъминлаш. Тендер иштирокичилари ишчи органга ҳар қуни соат 10-00 дан 12-00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда тендерга оид қўшимча маълумотлар олиш масаласида муддат якунлангунга қадар муурожаат этишлари мумкин. Тендер тақлифлари ва пакет ҳужжатлари ишчи орган томонидан 2012 йил 20 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иссиқхона комбинати,1-уй. Тел:290-56-61

МИЖОЗЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари ўз иш фаолиятини мижозлар манфаатини кўзлаган ҳолда олиб бормоқда. Бу эса бир томондан улар фаолиятини ривожлантириш, иккинчи томондан банк иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бошқарманиннг 11 та филиали, 6 та минибанк ҳамда 22 та махсус кассалари томонидан барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга, қишлоқ хўжалик тармоғининг асосий бўғини бўлган фермер хўжаликларига замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўзида банк томонидан ажратилган 519,2 млн. сўм кредит эвазига қўллаб фермер хўжаликлари турли хилдаги ҳайдов ва чопиқ тракторлари, комбайнлар, қўллаб қўлтивлаторлар ҳамда трактор тиркамалари ва эҳтиёт қисмлар харид қилишди.

Банк филиаллари томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 195 млн. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун 129 млн. сўм, хотин-қиз тадбиркорлар фаолиятини молиялаштириш учун 741 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 535 млн. сўм, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида

163 млн. сўм, шахсий томорқа ҳамда деҳқон хўжаликларига қорамол харид қилишлари учун 342 млн. сўм, мевасабзавот маҳсулотлари етиштириш (кўчатлар, меваали дарахт кўчатлари, сабзавот уруғлари харид қилиш) учун, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектлари, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларига жами 1 млрд. 126 млн. сўм миқдоридида банк кредитлари ажратилди. Молиявий кўмак ҳисобига 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани, айниқса, қувонарли.

— Жорий йил бошида банкнинг Ромитан филиалига иссиқхона ташкил этиш мақсадида 40 млн. сўм миқдоридида кредит ажратиб беришларини сўраб, муурожаат қилгандик, — дейди тумандаги «Олтин хирмон» фермер хўжалиги раҳбари Муҳиддин Сосиев. — Банк ходимлари тез кунда бизнес-лойиҳамизни кўриб чиқиб, бизга тегишли маблағ ажратишди. Бугунги кунда банк кўмағида ташкил қилинган иссиқхонада ўнга яқин қишлоқ ёшлар



ри меҳнат қилмоқда.

Шу жумладан, банк томонидан ғалла етиштириш учун 1160 та фермер хўжаликларига 8 млрд. 840 млн. сўм, пахта ҳосили етиштириш учун 32 млрд. 542 млн. сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, ғаллани қўшимча озиқлантириш учун минерал ўғитлар сотиб олиш мақсадида 1053 та фермер хўжаликларига 4 млрд. 279 млн. сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Ғалла ҳосилини етиштириш мақсадида банкдан кредит олган Когон туманидаги «Чорбоғкенди» фермер хўжалиги ҳар гектар ердан ўртача 36 центнер, яъни 357 тонна дон йиғиб

Элшод РАСУЛОВ: «ФАҚАТ ОЛТИН МЕДАЛЬ УЧУН РИНГГА ЧИҚАМАН»

САНОҚЛИ КУНЛАРДАН СЎНГ ЛОНДОНДА БИЗ ХАЯЖОН БИЛАН КУТАЁТГАН ХХХ ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ. УНДА ДУНЁНИНГ 205 ДАВЛАТИДАН ЎН МИНГДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ЎТТИЗ ЕТТИ СПОРТ ТУРИ БЎЙИЧА МАЙДОНГА ТУШАДИ.

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси президенти Малик Бобоевнинг билдиришича, 20 июль куни бир гуруҳ спортчиларимиз Лондонга жўнаб кетишади. Орадан тўрт кун ўтгач эса мамлакатимиз спорт делегациясининг асосий қисми Англияга йўл олади. Бу галги мусобақаларда эллик беш нафар ҳамюртимиз ўн бешта спорт тури бўйича медаллар учун кураш олиб борадилар.

Эътиборлиси, Лондон олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида Мустақил Ўзбекистон байроғини бокс бўйича Осиё чемпиони, Осиё уйинларининг бир неча қарра холиби, жаҳон чемпионати совриндори Элшод Расулов (81 кг) майдонга кўтариб чиқади.

Айни пайтда боксчиларимиз пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида машғулотлар ўтказишмоқда. Биз фурсатдан фойдаланиб, моҳир боксчимиз Элшод Расулов билан учрашдик. Унинг Лондон олимпиадасига ҳозирлиги, ўй-хаёллари билан қизикдик.

— Аслида ҳар бир спортчи учун

Олимпия уйинларида қатнашининг ўзи катта шараф, — дейди у. — Аввало юртимиз байроғини олимпиада бош майдонига олиб чиқиш менга топширилганидан жуда хурсанд бўлдим. Ўз навбатида бунинг ҳам катта масъулияти бор, деб биламан. Чунки Лондон олимпиадасининг тантанали очилиш маросимини бутун дунё ахли томоша қилади. Айниқса, халқимиз терма жамоамизнинг ундаги чиқишларини диққат билан кузатишади. Шу боис ҳам мен Лондонда фақат холиблик учун курашшим зарур. Қолаверса, бу ҳаётимдаги иккинчи олимпиада саналади. Ўтган тўрт йилда Пекин олимпиадасида йўл қўйган хатокамчиликларим устида ишладим. Бу гал ота-онам, мураббийларим ҳамда халқимизнинг умидларини руёбга чиқариб, кучлилар сафидан жой олишга ҳаракат қиламан.

— Айни вақтда машғулотларда нимага кўпроқ эътибор беряписиз?

— Режага кўра, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 24 июль куни Лондонга йўл олади. Ҳозир муҳим мусобақа олдида кунига икки ма-



ҳалдан машғулотларда қатнашаёлман. Унда мураббийим Набижон Бойматов билан биргаликда кўпроқ техникага эътибор қаратаёلمиз.

— Пекин олимпиадасида чорак финалда кубалик, Бокунда ўтган охириги жаҳон чемпионати ярим финалида қозогистонлик боксчига очколар ҳисобида ютказгандингиз. Мусобақалардан ке-

йин ана шу жанглари таҳлил қилиб кўрган бўлишингиз табиий. Уларда асосий хато ва камчиликларингиз нималарда кўзга ташланди?

— Умуман спортда, жумладан, боксда спортчи куч ва энергияни тўғри тақсимлай олса, ўз мақсадига эришиши осон кечади. Агар ўша бой берилган жанглариمنى айта-

диган бўлсам, рақибларим ўта кучли эмас эди. Фақатгина уларга қарши куч ва энергиямни нотўғри тақсимлаганим эвазига имкониятни бой берганлигим билиниб қолди.

— Лондон олимпиадасида Сизнинг вазн тоифангизда медалларга асосан қайси давлатлар вакилларини даъвогар, деб биласиз?

— Олимпия уйинларида кучсизлар бўлмайди. Қолаверса, бокс ҳозир бутун дунё миқёсида жуда жадал ривожланмоқда. Шу боис Лондон олимпиадасида ҳар бир қатнашчидан истаганча «сюрприз» кутиш мумкин. Шахсан ўзим нафақат олимпиадада, балки ҳар бир учрашувда рақибимга ҳурмат билан қарайман, имкон қадар жангача унинг техникаларини жиддий ўзлаштиришга интиламан.

— Элшод, Лондон олимпиадасидан нима кутаяписиз?

— Оилада уч ўғил ва бир қиз улгайганмиз. Мен бокс билан шугулланган бўлсам, укам Элбек футбол ўйнайди. Спорт туғайли кўп нарсага эришдим. Бутун оиламиз спортни жонидилдан яхши кўришади. Шунинг учун Лондон олимпиадасида аввало уларни хурсанд қилишни истайман. Пекин олимпиадасида ушалмаган орзуимни руёбга чиқариш учун рингга чиқаман. Мақсадим — Лондон олимпиадасида олтин медални кўлга киритишдир.

Эркин ХОЛБОБОВ суҳбатлашди.

Спорт

МУНОСИБ МЕЗБОНЛИК ВА ШИДДАТЛИ БАҲСЛАР

ШУ КУНЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКISTON» СПОРТ МАЖМУИДА КАРАТЭ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. УНДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЎТТИЗДАН ЗИЁД ДАВЛАТИДАН КЕЛГАН МИНГГА ЯҚИН СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН ТАТАМИГА ЧИҚИШАЁТИР. МУСОБАҚАНИНГ ДАСТАЛБКИ КУНИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КУЧЛИЛАР НОМИГА АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ.



Чемпионатда турли ёш йўналишлари бўйича эллик нафардан зиёд ҳамюртимиз ўз омадларини синаб кўришмоқда. Дастлабки беллашувлар якунига кўра, кумитэ бўйича ўз вазн тоифасида Шахзода Ортиқова (+54 кг) шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шунингдек, каратэчиларимиздан Дилноза Юсупова (54 кг), Жамшид Сайфиддинов (70 кг) ҳамда Садриддин Сайматов (52 кг) лар эса финалгача барча рақибларини енгиб, ҳал қилувчи учрашувларда имкониятни бой бериши ва кумуш медал билан қийоғландилар.

Қизгин ва шиддатли кечаётган мусобақада жами қирқ комплект медаллар шодаси учун кураш бормоқда. Баҳсларни Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти Муҳаммад Али Аббодий ҳамда Осиё каратэ федерацияси президенти Чанг Хуанг-Хуей сингари фахрий меҳмонлар ҳам кузатиб боришмоқда.

— Ватанингизга илгари ҳам бир

неча маротаба ташриф буюрганман, — дейди Осиё каратэ федерацияси президенти Чанг Хуанг-Хуей. — Ҳар сафар келганимда юртингизда амалга оширилаётган бунёдкорликларни кўриб хайратланаман. Айниқса, Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ибратли ишлар таҳсинга лойиқ. Бу борада қитъамизнинг бошқа давлатлари юртингиздан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Осиё чемпионати мезбонлигини Тошкентга ишониб топширганимиз ҳам бежиз эмас. Бу ерда халқаро мусобақаларни юксак савияда ўтказиш борасида жуда катта тажриба тўпланган. Келгусида Ўзбекистон нафақат қитъа, балки жаҳон чемпионатларида ҳам бемаъл мезбонлик қилиш имкониятига эга.

Мусобақанинг барча холиб ва совриндорлари номи бугун маълум бўлади.

Шоҳрух НУРУЛЛАЕВ

Реклама ва эълонлар

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2012 йил 23 август куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказад

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навой кўчаси, 19-йўлда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати» ДУК ва Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, М.Улугбек кўчаси, 81-йўлда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти балансларидаги қуйдаги автомобилотранспорт воситалари қўйилади:

Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм
1 «Опель Вектра»	01/5932BA	1994	7 621 900,0	16 «Эсперо»	01/516MBA	1996	6 442 700,0
2 «Опель Вектра»	01/5922BA	1994	8 190 600,0	17 «Дамас»	01/784FAA	2003	8 277 600,0
3 «GA3-31100»	01/271MBA	2000	6 149 600,0	18 «Дамас»	01/746FAA	1999	7 812 000,0
4 «GA3-3110»	01/347GAA	2000	10 160 400,0	19 «Дамас»	01/781FAA	1997	7 756 800,0
5 «Принц»	01/405MBA	1996	8 231 300,0	20 «Нексия»	Донс»		
6 «ДЭУ Принц»	01/517MBA	1996	8 188 400,0	21 «Нексия»	01/672FAA	2004	15 223 200,0
7 «ДЭУ Принц»	01/274MBA	1996	8 195 000,0	22 «Нексия»	01/603MBA	1996	7 561 400,0
8 «ДЭУ Принц»	01/495MBA	1996	8 395 200,0	23 «Нексия»	01/726FAA	2005	14 704 800,0
9 «ДЭУ Принц»	01/610MBA	1996	7 712 100,0	24 «Нексия»	01/745FAA	2005	15 321 600,0
10 «КАМАЗ-5320»	01/268MBA	1990	16 537 400,0	25 «Нексия»	01/729FAA	2003	14 611 200,0
11 «КАМАЗ-5915»	01/234MBA	1990	16 335 000,0	26 «Нексия»	01/749FAA	2005	15 220 800,0
12 «Селес»	01/309MBA	1994	6 964 100,0	27 «Нексия»	01/718FAA	2005	15 122 400,0
13 «Тикко»	01/709FAA	2000	4 550 700,0	28 «Нексия»	01/789FAA	1999	13 944 000,0
14 «Тикко»	01/273MBA	1999	4 820 400,0	29 «Нексия»	01/721FAA	2000	14 217 600,0
15 «Эсперо»	01/415MBA	1996	6 608 800,0	30 «GA3-3102»	10BD552	1990	2 475 000,0

Талаботдорлардан буюртмаларни қабул қилиш маъмур эълон чикан кундан бошланади ва савдо кундан бир кун аввал соат 18-00да тўхтаилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 физик миқдоридagi закатлат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо холибига савдо кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш, тўланган закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари қўйлатилади. Тўлов шакли — ихтиёрий.

Маъмур автоотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ўшбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган харидорлар, уларнинг холати билан сотувчи (балансда ушловчи) ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16А-ўй. Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Государственное унитарное предприятие «Республиканская служба инкассации Центрального банка Республики Узбекистан»

ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ ПО ОБЪЕКТУ:

«Строительство комплексного автогаража для Государственного унитарного предприятия «Республиканская служба инкассации Центрального банка Республики Узбекистан» по адресу: г. Ташкент, ул. Тикланиш, м-в Хасанбой-1 Юнусабдского района.

Стартовая стоимость заказчика: — 3 817 899 138 сум с учетом НДС, — 3 181 582 615 сум без учета НДС Срок выполнения подрядных работ — 12 месяца.

Финансирование осуществляется: за счет средств Заказчика

Заказчик: ГУП «Республиканская служба инкассации Центрального банка Республики Узбекистан».

Организатор торгов: Территориальный консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — Территориальный консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту, по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, дом, 6, ком.700.

Стоимость одного комплекта документов — сто тысяч сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, 6, комн. 700, тел. 244-07-65, факс: 244-12-17.

Последний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Навои, 19.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Бу дунёда қалбимга энг яқини болапардир. Уларни кузатар эканман, митти вужудда бир кун келиб унга зарур бўладиган куч ва фазилатларнинг қуртак ёзаётганини сезаман: унинг ўжарлигида келгусидаги қатъият ва сабот, шўхлигида эса келажакдаги хушфеъллик, турмуш хавф-хатарларини енгиб ўтиш қобилияти ва бошқа хусусиятлар шу қадар яхлит, шу қадар бегараз ҳолда кўзга ташланади...

Иоганн Вольфганг ГЁТЕ

ОБ-ҲАВО	17-18 – 07. 2012
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+17 / +22	+34 / +39
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+17 / +22	+34 / +39
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+17 / +22	+34 / +39
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+30 / +35
Тошкент шаҳри	
+18 / +20	+34 / +39
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+13 / +12
Париж	+15 / +13
Москва	+14 / +14
Мадрид	+17 / +18
Пекин	+21 / +23
Гонгконг	+27 / +26
Рим	+15 / +14
Афина	+22 / +21
Токио	+18 / +22
Стокгольм	+10 / +11
Кейптаун	+12 / +10
Қоҳира	+29 / +31
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+16 / +18

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таниқли журналист, меҳнат фахрийси Талат СОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Халқ депутатлари Пискент туман Кенгаши райиси, Пискент туман ҳокими Исролжон Эргашходжаевга падари бузруквори ЖАСУР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
10676
nuxsada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5